

ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР

Гўзал Қодировна Раззоқова

Чирчиқ давлат педагогика университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халфачиликдаги ўзига хос жиҳатлар, анъана ва замонавийликнинг уйғунлашуви, урф-одат ва маросимлар, халфачиликдаги устоз-шогирд анъаналари, халфачилик мактаб услуби ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: халфа, устоз-шогирд, диний китоблар қироати, устоз халфа, бахшилик амалиёти, халқ достонлари.

КИРИШ

Халфачиликдаги ўзига хос жиҳатлар сифатида анъана ва замонавийликнинг уйғунлашуви, қадимий фолклор намуналари ҳозиржавоблик билан кўшиқлар яратиш танланган матнларнинг яхлитлиги ва маънодорлигига эътибор қаратиш, куйнинг ранг-баранглиги, ижронинг шўх, кўтаринкилиги ҳамда бошқаларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек халфачиликда устоз-шогирд анъаналарининг кучлилиги, ижро услуби авлоддан-авлодга ўтиши ва оилавий ворислик каби хусусиятлар ҳам кўзга ташланади.

Ўзбек халқининг асрий анъаналарини ўзида мужассамлаштирган Хоразм халфачилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири устоз-шогирд муносабатларида кўринади. Ушбу анъананинг илк даври диний китоблар қироати билан боғлиқ бўлганлиги учун саводхонлик ва ёқимли овоз соҳибасига эга бўлишлик халфалар учун зарур бўлган энг асосий шартларидан бири бўлган ҳамда ҳозирги кунгача ушбу анъаналар давом этиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Халфачилик анъанасида кўпгина устоз халфалар ўчмас из қолдирган. Улар халқона ижролари туфайли аҳоли орасида жуда машҳур бўлиб, алоҳида эътиборга эга бўлганлар. Халфалар халқ, асосан хотин-қизларнинг дарду аломатлари, хасрат надоматлари, дил исёнлари, муҳаббат ва садоқати ҳамда инсоний туйғуларини оғзаки ифодалашлари билан юксак санъат тури сифатида юқори юқори даражага кўтарилди.

Устоз-халфаларнинг фикрига “халфа” атамаси Хоразм маданиятида “шогирд”, яъни устознинг муносиб шогирди

маъносида ишлатилиб келинади. Бинобарин, ҳар бир шогирд халфанинг ўз устози бўлиши керак. Шогирд устози санъатини кўп йиллик таълим тарбия давомида мукамал эгаллаб ҳамда зарур инсоний фазилатларга эга бўлгач, устозининг розилигига эришади ва шундан сўнг халфачиликни бўйнига мумкин. Шунга кўра, устоз кўрмаган халфани халқ ҳам тан олмайди, деган гаплар аҳоли орасида учрайди.

Устоз шогирдлик анъанаси нисбатан кейинги давр ҳодисаси бўлишига қарамай, бахшилик амалиётида шогирд тайёрлаш “халқ дostonларини эшитиш энг биринчи ва асосий шарт бўлган бўлсада халфачиликда бунга ифодали ўқиш (қиссахон халфалар), индивидуал ижод қилиш (шоира халфалар) ва бадихагўйликни эгаллаш (тўй кўшиқлари, келин салом ва ёр-ёрларни айтувчи халфалар) каби омиллар зарур ҳисобланган. Ўтмишда халфалар репертуаридаги асарлар устоздан шогирдга бевосита ўрганиш ва ижро жараёнидан ўтиб келган бўлса, кейинг даврларда ушбу ҳолат бир мунча ўзгарди. Яъни устоз халфалар репертуаридаги қатор асарларнинг нашр этилиши, радио ва телевидения орқали тарғиб қилиниши, турли маданий-маърифий кўрик танловларнинг республика ҳамда ҳудудларда ўтказилиши ёш халфаларнинг ижрочилик маҳоратини ошириш имкониятини кенгайтди. Шунга қарамай, ҳозирги кунда давом этаётган халфачиликнинг ёш авлод вакиллари ушбу анъанадан асосан, жонли ижро ва устозлар билан бевосита ижодий ҳамкорлик жараёнида кўпроқ баҳраманд бўлмоқда.

Хоразм воҳасида “устоз-шогирд” мактаби узоқ муддатга мўлжалланган даргоҳ бўлиб, унда ашула, рақс, куй ҳамда шериятдан сабоқ берилган. Мактаб кўрмаган малакасиз ашулачи ёки мусиқачи санъат оламида эътибор қозона олмаган. Шу боис “устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” деган ибора халқ орасида юради. Устоз санъатининг сир-асрорларини ўрганиш билан бир қаторда, шогирднинг ахлоқий тарбиясига ҳам жавобгар бўлган.

Шу билан бир қаторда устозга ҳам аждодлар санъатининг беназир анъаналарини шогирдаларга етказишда алоҳида масулият юкланган. Устозлар азалий қадриятларнинг суянчи ва таянчи ҳисобланган. Устоз бор жойда халфачилик санъати мукамал даражада ривожланиб мактаб яратган устоз ва халқ орасида буюк инсон ҳисобланган. Шогирд эса устозининг айнан кўчирма нусхаси, унга қуруқ таклид қилувчи эмас, балки устоз ўргатганларидан ташқари, ўзи ҳам ижод қила оладидан ва ўз устида ишлайдиган бўлиши шарт бўлган.

Халфачилик анъаналарини ўрганиш ҳам ўзига хос мактаб услубига эга бўлган. Эски усул мактабларида хат-



савод чиқарган, билимга ихлосманд қизлар таниқли халфаларга 4-5 йил давомида шогирд тушган. Улар шогирдлик даврида устозларидан тўй ва бошқа маъракаларда айтиладиган кўшиқ, дoston ҳамда ғазалларни ўрганган. Халфалар шогирдларини ўзлари билан бирга тўй-маъракаларга олиб бorgan. Бирга ўтириб, бирга куйлаган ёш раққоса ҳам тушган. Устоз халфа баъзан шогирдининг якка ўзига ҳам ижро этишга рухсат берган. Бу билан устоз ўз шогирдини жамоатчиликни ўзига жалб қила олиши ва санъатини кўрсатишга алоҳида аҳамият берган. Шундай синовларда чиниққан ва жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлган шогирдлар устозларидан фотиҳа олиб, халфа номига эга бўлган. Шогирд устозидан фотиҳа олиш учун ўз уйига ҳурматли халфалар ва ўз устозини чақириб, зиёфат бериб, бир сидра кийим бош ҳадия қилган. Бунгача бирон шогирд мустақил тарзда ўзи тўй-маъракаларда иштирок эта олмаган. Албатта, бу борада ҳеч қандай чекловлар бўлмаган, бироқ устознинг розилигисиз иш бошлаш ноўрин бўлган. Бу ўринда “Устоз отангдек улуғ деган мақол ўзбек халқи менталитетига қанчалик мос эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Фотиҳа олган халфа мустақил равишда тўй ва маросимларга бориб, хотин-қизларга ўз санъатини намойиш қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Халфалар орасидаги устоз-шогирд муносабатларидаги ушбу ҳурмат категорияси фақат халфаларнинг шогирдлик даврида давом этмаган, аксинча шогирдлар устозини ҳамиша ҳурмат қилишга ҳаракат қилган. Фотиҳа олиб, ўзи мустақил тўйларга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган халфаларда ҳам шундай одат бўлганки, агар устоз халфа билан шогирд халфа бир тўй ва маъракага бориб қолса, устознинг рухсатисиз шогирд халфа ижрочиликни бошлаш ҳуқуқига эга бўлмаган. Ҳеч бўлмаганда, устоз халфа бир кўшиқ ёки ғазал куйлаб, сўнгра шогирд халфага навбат берган. Шундан кейингина шогирд халфа куйлашни бошлаган ва давом эттирган. Агарда ушбу ҳолат бузилса, халқ томонидан қаттиқ қораланган, яъни шогирд халфага нисбатан ҳурматсизлик ва устози ҳаққига ҳиёнат ҳисобланган.

ХУЛОСА

Устоз халфалар ҳам шогирдларига нисбатан яхши муносабатда бўлган. Хоразм халфалари ижоди ва кўшиқчилик санъатининг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, улар ўзидан ажойиб куй ва кўшиқлар билан бирга кўпгина хушовоз ашулачи халфалар ва мусиқа билимдонлари ва шогирдлар етиштириб чиқарганлар. Масалан, Хоразм халфаларидан бири онабиби қори

Оташоновадан тарбия олган Назира Собирова, онабиби Жуманиёзова, Робия Аҳмедова ва Улибиби Бойжонова каби кўпгина иқтидорли шогирд халфалар етишиб чиққан ва ҳозирги даврда ҳам уларнинг издошлари шогирд халфалар етишиб чиқмоқда.

REFERENCES

1. Ithomov, Z. A., & Muxammadiyev, L. G. (2020). Theoretical issues of history in Beruni's work" Monuments of ancient peoples. *International Journal of History*, 2(1), 35-36.
2. Мухаммадиев, Л. Ғ. (2020). Моддий ва маънавий меросимиз–аждодларимиз жасоратининг юксак тимсоли. *Science and Education*, 1(5), 231-238.
3. Мухлис Махмудович Сафаров (2022). ЁШЛАР СИЁСИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ФУТУРОЛОГИК ТАҲЛИЛИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (NUU Conference 2), 463-467. doi: 10.24412/2181-1385-2022-2-463-467

